



Туркий Давлатлар ташкилоти:

АЗАЛИЙ ДЎСТЛИК ВА ҚАРДОШЛИК РИШТАЛАРИНИНГ ЯНГИ ДАВРИ

Яқин-яқингача биз ҳозир сўз юритмоқчи бўлган ташкилот дунё саҳнида у қадар катта аҳамиятга эга бўлмаган, мавҳум бир “бирлашма” сифатида кўриларди. Аммо Президент Шавкат Мирзиёевнинг оқилона ташқи сиёсати тўғрисида Ўзбекистонда тузилмага қўшилганидан сўнг ташкилотнинг халқаро майдондаги ўрни янада мустаҳкамланиб, нуфузи ортди. Бу эса ўз навбатида, нафақат тарихи, кадрлар ва ҳамда маданий ҳаёти ўхшаш мамлакатларни, балки халқаро ҳамжамиятнинг ҳам эътиборини тортди.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон фаолияти қайта жонланган ҳамда Туркий Давлатлар Ташкилоти сифатида иш бошлаган ана шу тузилманинг биринчи саммитига мезбонлик қилиш учун кизгин тайёргарлик кўряпти. Бинобарин, бугун дунё жамоатчилигининг эътибори Марказий Осиёнинг қадимий маркази—Самарқандда. Хўш, жорий йилнинг 11 ноябрь куни кўҳна ва навқирон шаҳарда ўтиши белги-ланган ушбу ташкилотнинг дастлабки йиғилишида қандай масалалар муҳокама қилинади, унинг бошқа саммитлардан аҳамиятли томони нимада?

Таъкидлаш керакки, ташкилот тарихда илк марта тузилган туркий тилли давлатларнинг ихтиёрий бирлашмаси ҳисобланади ҳамда ташкилот номининг ўзгариши унинг ҳуқуқий тусига таъсир қилмади, аксинча, тузилманинг реал салоҳиятини рўёбга чиқариш, аҳамиятини ошириш ва халқаро ҳамжамиятдаги ролини кучайтиришдаги муҳим қадамлардан бири бўлди. Умуман олганда, Туркий Давлатлар Ташкилоти ўзига хосликка эга. Яъни туркийларга хос суверен давлатларгина унинг тўлақонли аъзоси бўла олиши мумкин. Ҳозирда беш давлат — Ўзбекистон, Озарбайжон, Туркия, Қозоғистон ва Қирғизистон ташкилот-

нинг тўлақонли аъзоси, икки давлат — Туркменистон ва Венгрия эса кузатувчи мақомига эга.

Тузилманинг асосий мақсади-аъзо мамлакатлар ўртасида азалӣ қардошликни мустаҳкамлаш билан бирга, жаҳон ва минтақавий муаммолар бўйича сиёсий маслаҳатлашувларни кучайтириш, дунёда тинчлик ва барқарорликка ҳисса қўшиш, иқтисодий ва техникавий ҳамкорлик, илм-фан, санъат ва маданият соҳасидаги давлатлараро ҳамкорликни янги босқичга кўтаришдан иборат.

Яна бир маълумот. Ушбу ташкилот ўз рамзи ва байроғига ҳам эга. Унда ташкилот таъсисчилари бўлган мамлакатларнинг давлат байроқлари акс этган элементлар — Озарбайжон Республикаси байроғининг юлдузи, Қозоғистон Республикаси байроғининг кўк ранги, Қирғизистон Республикаси байроғининг кўёши ва Туркия Республикаси байроғининг ярим ойини кўриш мумкин.

“Туркий Давлатлар Ташкилоти Низомини”га кўра, тузилмага раислик бир календарь йили учун аъзо давлат томонидан (инглиз тилида алифбо тартибда белги-ланади) амалга оширилади. Ташкилотнинг амалдаги раислиги 2021 йил ноябрь ойида Истанбул саммити давомида Туркия Ре-

спубликасига ўтган ва ҳозирга қадар қадар Туркия томонидан бошқарилмоқда. Самарқанддаги саммит доирасида эса Озарбайжон раислик мақомига қабул қилиб олади.

Туркий Давлатлар Ташкилоти туркий тилли давлатлардан ташкил топган турли ҳамкорлик механизмлари — Халқаро Туркий маданият ташкилоти (ТУРКСОЙ), Туркий тилли давлатлар парламент ассамблеяси (ТУРКПА), Халқаро Туркий Академия, Туркий тиллар Маданият ва мерос фонди ва Туркий халқлар савдо-саноат палатаси учун “соъбон” вазифасини ҳам ўтайди.

Унинг бошқа ҳудудий ташкилотлардан фарқи томони шундаки, тузилма кузатувчилари ташкилот фаолиятида иштирок этиш учун кенгрок ваколатларга эга. Қоидага кўра, улар эксперт учрашувларидан тортиб, давлат раҳбарлари саммитларигача бўлган ўзаро ҳамкорликнинг деярли барча форматларида иштирок этади. Ягона жиҳат — кузатувчи ташкилот қарорларини қабул қилиш, яъни овоз беришда қатнашмайди. Шунингдек, ташкилот учинчи давлатлар ҳамда халқаро ташкилотлар билан ҳам конструктив ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиши мумкин.



Қонун кучга кирди

ХАЛҚНИ РОЗИ ҚИЛИШ — АСОСИЙ МАҚСАД

Шавкат Мирзиёев Президентлик лавозимини бажаришига киришган илк кунларда оқ халқимиз манфаати учун нима қилиш керак бўлса, барчасини амалга ошириб келмоқда. Ўз халқига бўлган катта меҳр ва муҳаббат самараси ўлароқ, амалга ошириб келинаётган ислохотлар замирида одамларни рози қилиш, инсон қадрини улуглашдек улугвор мақсадлар мужассам.



Бинобарин, 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараккиёт стратегиясидаги инсон қадрини юксалтириш, халқпарвар давлат барпо этишга оид устувор мақсад ва вазифалар ижросини таъминлаш давлат органлари фаолияти самарадорлигини янада оширишни талаб этмоқда.

Юртимизда бу борада олиб борилаётган тизимли ислохотларнинг навбатдаги амалий натижаси ўлароқ, Ўзбекистон Республикасининг “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги қонун-

нинг қабул қилиниши “Халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халққа хизмат қилиши керак”, деган тамойилни тўла рўёбга чиқариш учун мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор бўлди.

Қонун давлат фуқаролик хизматчисининг ҳуқуқий мақоми, лавозимлар тоифалари ва малака даражаларини, давлат фуқаролик хизматига кириш, ўташ ва тугатиш жараёнларининг ягона тартиботини, кадрларнинг касбий-маънавий фазилатлари ва алоҳида хизматларнинг объектив ҳамда адолатли баҳолаш асосида хизмат поғоналари бўйича ўсиш кафолатларини, умуман, ягона давлат фуқаролик хизматининг ташкилий-ҳуқуқий механизмининг тартибга солиниши назарда тутади.



ИСЛОХОТЛАР ҚОҒОЗДА ҚОЛМАСИН



Ўзбекистон Президенти ёшлар билан учрашганда навқирон авлод вакиллари билан бири шундай савол берди: — Муҳтарам Президент. Сиз жойларда бўлганингизда ниҳоятда тезкор ҳаракат қиласиз. Шу даражада ошиқасизки, бошқалар ортингиздан улгуришолмайди. Айтингчи, бунча кучни қаердан оласиз?

Худди шундай савол бошқаларда ҳам бор эди. Шу маънода саволнинг жавоби ҳаммани кизиктирарди. Президент жавобини киприк қоқмай эшитдик.

“Ватанни севиш керак” деган лўнда жавоб янграганда, ҳамманинг юз-кўзида қониқиб ҳисси акс этди. Бу сўзда олам-олам маъно мужассам эди.

Ватанни севган одам қандай фикрлайди? Аввало, Ўзбекистоннинг шахдам одимига бошқалар ҳавас билан қарашини истайди. Кенг кўламли ислохотлар жадал татбиқ этилишини ич-ичидан хоҳлайди. Ана шу жараёнда ўзи ҳам қатнашади. Энг муҳими, бу ўзгаришларга хайрихоҳ сифатида очик чеҳра билан муносабатда бўлади. Ватаннинг гуллаб-яшнашидан, одамларни хурсанд қилувчи ўзгаришлардан шодланади, бу йўлдаги тўсиқлардан хафа бўлади.



“ЎЗ ТИЛИГА САДОҚАТ — БУ ВАТАНИЙ ИШДИР”



Қадимий тил сифатида эътироф этилаётган ўзбек тили халқимиз учун миллий қадрият, ўзликни англаш, мустақил давлатчилик тимсоли, маънавий бойлик, халқимиз ҳаётидаги сиёсий-ижтимоий, маънавий-маърифий тараққиётида муҳим аҳамият касб этиб бормоқда.



“ЎЗБЕКИСТОН — ШОҲМОТ ВАТАНИ!” ДЕЙИШГА ҲАҚЛИМИЗ



Президентимиз Шавкат Мирзиёев Токио олимпиадасида иштирок этган спорт делегацияси вакиллари билан учрашувда сўзлаган нутқида мутасадди раҳбарлар олдида жамоавий спорт турлари бўйича натижаларга эришиш вазифасини қўйганди.

Чунки шу кунгача жаҳон миқёсида яккакураш спорт турларида маълум ютуқларга эришган бўлсак-да, жамоавий спорт турларидаги натижаларимиз билан мақтана олмаймиз. Ниҳоят, Ўзбекистон мустақиллигининг 31 йиллик тўйи арафасида шоҳмотимизнинг олтин авлоди ҳисобланган Нодирбек Абдусатторов, Нодирбек Ёқуббоев, Жавоҳир Синдоров, Жаҳонгир Воҳидов ва Шамсиддин Воҳидовдан иборат миллий терма жамоамиз Ҳиндистоннинг Ченнай шаҳрида 29 июль—9 август кунлари бўлиб ўтган 44-Бутунжаҳон шоҳмот олимпиадасида спортимиз тарихига зарҳал харфлар билан ёзиладиган тарихий ғалабага эришиб, халқимизга олимпиада олтин медалларини тўхфатлаштирди.



ИСЛОҲОТЛАР ҚОҒОЗДА ҚОЛМАСИН

(Боши 1-саҳифада)

Тўхтанг, бугунги ҳаётимиздан ҳам хафа бўлиш мумкинми? Ҳа-да. Қанчадан-қанча ишларимиздан кўнгил тўлмайди. Айтайлик, ҳаётимиздаги ислохотлар парламент қонунлари, давлатимиз раҳбарининг фармон ва қарорларида белгилаб берилмапти. Лекин (ҳа, “лекин” сўзини ишлатишга мажбуримиз) ўша ҳужжатларда ифодаланган талаблар ҳаммаси бажарилаётими? Афсуски, ижобий жавоб беролмаймиз. Бизни ўйлантираётган муаммо ҳам шу.

Аслида ислохотлар мазмуни ифода топган ҳужжатларда кўтарилаётган масаланинг мақсад-моҳияти, қанчалик долзарблиги уқтирилади, ўша соҳадаги тангликлар баён этилади, вазиятдан чиқиш учун аниқ вазифалар белгиланади, зарур ҳолларда имтиёз ва преференциялар кўрсатилади, янаям муҳими, шахсан масъул ходимлар номма-ном айтилади. Кўп ҳолларда қарорнинг мазмун-моҳиятини тушунтириш бўйича тақдимотлар ва семинарлар ўтказиш ҳақида кўрсатма берилади. Афсуски, шунча гапдан кейин ҳам кун тартибига қўйилган вазифалар қуйи бўғинга — асл ижрочиларга етиб бормаяпти.

Биргина коррупция масаласини олайлик. Баъзан одамлар билан

шу мавзуда гаплашсангиз, кўпинча “Йўқ, бизда коррупцияни йўқотиб бўлмайди” дейишади. Чунки одамлар онгидаги бу қарашни ўзгартириб юборадиган нима иш қилинганини эслай олмаймиз. Коррупцияга берилиб қўлга тушган ҳолатларни маълум қилиш орқали қўрқув туйғусини уйғотиш билан иш битмайди. Муаммога кенгроқ ёндашайлик. Халқимиз менталитетига таяниб, у ярамас иллатга нисбатан нафрат ҳосил қилиш муҳимдир. Шунга эришайликки, одамлар коррупциядан ҳазар қилишсин.

Бундан беш йил муқаддам Наманганда вилоят марказидан узоқ бўлмаган туман ҳокимининг биринчи ўринбосаридан сўрадик:

— Айтингчи, Маъмурий ислохотлар концепцияси ижроси бўйича нима ишлар амалга оширилди?

— Биласизми, мен Ҳаракатлар стратегияси ҳақида эшитганман, лекин Маъмурий ислохотлар концепциясидан беҳабар эканман.

Ажабо, ўша кунлари ушбу концепцияни тасдиқлаш бўйича Президент Фармони матбуотда эълон қилинганига икки ҳафта бўлмаганди, энг муҳими, бизнинг суҳбатдошимиз ўша фармон ижрочиларидан бири бўлиши керак эди.

Биз бу масалада кўпни кўрган тажрибали ходимлар билан ҳам

суҳбатлашдик. Улар таассуф билан юкори ва қуйи бўғин ўртасида узил-бузил бўлаётганини, кўпгина муҳим вазифалар пастга етиб келмаётганини баён қилишди.

Илгари ҳар бир ҳужжат бўйича ёзма ҳисобот бўларди. Энди қоғозбозликка, расмиятчиликка қарши кураш кўринишида қоғозларга ўт қўйилди. Нима қилиш керак? Расмиятчилик ҳам ижро интизомида ижобий роль ўйнамасмикан.

“Халқ сўзи” газетасининг 26 октябрь сониди Олий Мажлис Сенати кўмига раиси Малика Қодирхонова мақоласи “Қонунлар бор, аммо улар жойларда ишламаяпти” сарлавҳаси остида берилган. Бу фақат биргина сенаторнинг эмас, балки қонун ижодкорлиги билан шуғулланаётган парламент аъзоларининг қалб ҳайкириғидир. Ҳаётга татбиқ этилмаётган қонун қимга керак? Сенаторлар Қонунчилик палатаси ишлаб чиққан қонунларни минтақалар манфаатидан келиб чиқиб муҳокама қиладилар, маъқуллайдилар. Ана шу муҳокама жараёнида ўша қонунни ҳаётга қандай татбиқ этиш ҳақида ўйлашлари керак, албатта.

Яқинда бизнинг депутатларимиз Европа давлатларининг бирига бориб парламент фаолияти билан танишдилар. Депутатларимиздан



бири ўзини ўйлантирган масала юзасидан қизиқиб: “Агар қонун бандлари бажарилмаса, қандай чора кўрасизлар?” деб сўрабди. Жавоб берувчилар дастлаб саволга тушунмадик деб, такрорлашни сўрашибди. Савол ҳижжалаб такрорланганда улар “Бизда қонун бажарилмаслиги мумкин эмас” дейишибди. Ана қонунга хурмат, эътиқод!

Оилада отанинг гапи гап. У фарзандларига бирор топширик берса албатта бажо келтирилиши шарт. Ана шу анъанадан келиб чиқиб юкори идорада чиқарилган қарор ижобат топиши оддий таомилга кириши керак.

Ваъда вафоси билан улуг дейдилар. Айтилган сўз-отилган ўқ. Қарерда ижро интизоми изчиллик касб этса, ўша жойда ислохотлар жадал юришади. Бу талабни ҳамма дилдан хис этиши, ҳаётимиз янада фаровон ва жозибадор бўлиши ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчи эканлигини ёдда тутайлик.

Шухрат ЖАББОРОВ,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган журналист.

ХУЛҚ — ҲАР КИМ ЎЗ ҚИЁФАСИНИ КЎРСАТАДИГАН КЎЗГҮ

МУНОСАБАТ

Жамиятнинг турли босқич ва жараёнларида амалга ошириладиган ҳеч бир расмий, сиёсий, маданий, иқтисодий ва бошқа муносабатлар одоб қоидаларисиз амалга оширилмайди.

Ахлоқ-одоб қоидаларига қисқа таъриф берадиган бўлсак, бу жамият ҳаётининг барча қатламларида турли шаклларда намоён бўлувчи ҳуқуқий, ахлоқий, анъанавий ва шу каби одамларнинг хулқ-атвори, хатти-ҳаракатларидаги хизмат қилган қатъий нормалар, тавсиялар, талаблар йиғиндиси.

Давлат хизматчиси аҳамият бериши лозим бўлган одоб қоидаларига тўхталадиган бўлсак, улар энг аввало ахлоқ нормаларига асосланади. Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиш давлат хизматчисининг касбий фаолиятини ва хизматдаги хулқ-атворини баҳолаш мезонларидан бири ҳамдир.

Сўнгги йилларда юртимизда олиб борилаётган кенг камровли изчил ислохотлар, очиклик ва шаффофлик сиёсати натижасида халқимизнинг ҳуқуқий ва сиёсий онги ўсди. Шу жараёнда давлат хизматига бўлган талаб ҳам тобора ортиб бормоқда. Таъкидлаш жоизки, айни кунгача давлат хизматчисининг ишдан ташқари вақтдаги хулқ-атворини тартибга солувчи, жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик қилиш, хизмат фаолиятидаги ташқи кўриниш ва кийиниш услубига оид талаблар, одоб-ахлоқи қоидаларини назорат қилиш ва давлат хизматчиларини ҳимоя қилиш каби умумий одоб-ахлоқ қоидалари белгиланмаган эди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 14 октябрдаги қарори билан давлат фуқаролик хизматчилари одоб-ахлоқи намунавий қоидалари тасдиқлангани юкорида санаб ўтилган барча муносабатларни ҳал этишга ҳуқуқий ечим бўлди.

Мазкур одоб-ахлоқ қоидалари 11 боб ва 33 бандни ўз ичига олади. Ушбу қоидалар давлат фуқаролик хизматчиларининг касбий маданиятини, хизмат фаолияти давомида ҳамда хизматдан ташқари вақтда ҳам одоб-ахлоқини, ташқи кўриниши ва кийиниш услубининг намунавий қоидаларини белгилаб берди.

Унда учта асосий мақсад йўналиши белгилаб берилди.

Биринчиси — давлат хизматида юксак касбий маданиятни шакллантириш орқали халқимизни рози қилиш.

Иккинчиси — жамоатчилик онгида давлат хизматига бўлган хурмат ва ишончни мустаҳкамлаш.

Учинчиси — давлат хизматчилари ахлоққа зид хатти-ҳаракатлар содир этишининг олдини олиш.

Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йилдаги 62-сонли қарори билан тасдиқланган давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг одоб-ахлоқ намунавий қоидаларидан фарқли ўлароқ янги намунавий одоб-ахлоқ қоидаларида бир қатор йўналишлардаги одоб-ахлоқ қоидалари белгиланди. Касбий маданият, хизматдан ташқари, хизмат фаолиятидаги ташқи кўриниш ва кийиниш услубига оид, жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари вакиллари билан муносабатларга доир одоб-ахлоқ қоидалари шулар жумласидандир.

Шунга кўра, одоб-ахлоқ қоидаларида жамоатчилик, оммавий ахборот воситалари вакиллари билан юзага келадиган муносабатларни тартибга солувчи нормалар белгиланган. Давлат хизматчилари оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорлик қилиши, давлат органлари ва ташкилотларнинг фаолиятини оммавий ахборот воситаларида ёритилишига кўмаклашиши кераклиги каби фундаментал қоидалар белгилаб берилди. Шунингдек, ушбу намунавий одоб-ахлоқ қоида-



ларида янги механизмлар ўрин олди. Булар давлат хизматчисининг манфаатларини ҳимоялаш, одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш, одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этмаганларга жавобгарликни белгилаш каби механизмлардир.

Бунгача давлат хизматчиларининг хизмат вазифасини бажариш билан боғлиқ юзага келадиган таҳдид, ҳақорат ва қонунга хилоф бошқа хатти-ҳаракатлардан ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари мавжуд эмас эди. Мазкур одоб-ахлоқ қоидаларининг тасдиқланиши билан давлат хизматчиларининг хизмат вазифаларини бажариш билан боғлиқ таҳдид, ҳақорат ва қонунга хилоф бошқа хатти-ҳаракатлардан ҳимояланишнинг ҳуқуқий ечими бўлди. Эндиликда давлат хизматчиларини қонунга хилоф бошқа хатти-ҳаракатлардан ҳимоя қилиш давлат органи раҳбарининг мажбурияти сифатида белгиланди.

Давлат хизматчисининг одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилишини назорат қилишда ташкилотнинг одоб-ахлоқ комиссияси муҳим ўрин касб этади. Янги тартиб бўйича ҳар бир ташкилотда давлат фуқаролик хизматчилари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этишини назорат қилиш, уларнинг ахлоқ нормаларига зид бўлган хатти-ҳаракатларининг олдини олиш ва бу қоидаларига риоя этиш билан боғлиқ низоларни кўриб чиқиш учун комиссия тузилади.

Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги давлат хизматчиларининг одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилишини назорат қилишда махсус ваколатли орган этиб белгиланди. Ушбу норма “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги қонуннинг 17-моддасида ҳам мустаҳкамлаб қўйилган. Давлат хизматчилари одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этмаса уларга нисбатан жавобгарлик муқаррарлиги белгиланди.

Машраб ҒАНИЕВ,
АТ Халқ банки Тошкент вилоят
филиали бошлиғи

(Боши 1-саҳифада)

1989-90 йилларда тилимизга соф ўзбек тилидаги айрим сўзларни киритишга олимларимиз кўп ҳаракат қилди. Масалан, “учок”, “гайёра”, “тикучок” сингари сўзларнинг асл маъноси берилсада, тушунсак ҳам қабул қилмадик. Бу ҳалигача давом этмоқда. Ўша вақтларда қандайдир кўзга кўринмас тўсиқ бордек туюларди. Аммо, бугун-чи, нима учун талаффузи ўз тилимизда айтиладиган, тушуниладиган сўзларни инкор қилишимиз.

Давр муаммосини кўтармоқчи эмасмиз. Фикримизча, бугун ҳам миллий тил ва унинг равнаки учун ғамхўрлик қилиш бир гуруҳ мутахассисларгагина керакдай, илмий-амалий соҳа учун ишлатилаётгандай.

Шу ўринда Исҳоқхон тўра Ибратнинг “Бизнинг ёшлар, албатта, бошқа тилларни билиш учун саъй-ҳаракат қилсинлар, лекин аввал ўз она тилини кўзларига тўтиё килиб, эҳтиром кўрсатсинлар. Зеро, ўз тилига садоқат – бу ватаний ишдир”, деб бир аср нарида айтган сўзларини келтиришни жоиз деб билдик. Албатта, мамлакатимиз кўпмиллатли, ҳар бир миллат ўз она тилига эҳтиром кўрсатиши керак, шу ўринда ўзбек миллати ҳам.

Сўнгги йилларда ўзбек тили ва адабиётини ривожлантиришга, тилимизнинг давлат тили сифатидаги нуфузини оширишга қаратилган бир қанча самарали ишлар амалга оширилмоқда. Тил сиёсатини такомиллаштиришга ҳуқуқий асосларнинг мустаҳкамланиши давлат тили нуфузини янада оширди.

Ўрнимизни билайлик

Бугун миллий етакчимиз бошчилигида тилимизни асраб-авайлаш мақсадида қонун, бир нечта фармонлар қабул қилинди. Қонун билан “Ўзбек тили байрами куни” белгиланди. Тилга бўлган эътибор амалиётга кўчирилиб, мустақил давлатчилик тимсоли, бебаҳо маънавий бойлик, буюк қадрият эканлиги намён этилмоқда.

Ёшларимизни ватанпарварлик, миллий анъана ва қадриятларга садоқат, улуғ аждодларимизнинг бой маънавий меросига ворислик руҳида тарбиялашда Ўзбек деган ном ва тил аждодларимиз истаган ҳолга келтирилмоқда.

Тарих бор ҳақиқат. Тилнинг ўрнини билишимиз, биз қайси авлод вакиллари эканлигимизни яна бир бор ёшларга уқтиришимиз учун архив ҳужжатларини кўтаришнинг ўзи кифоя. Минглаб аждодларимиз ўз тили ҳимояси учун қатағон қилинган. “Айблов ҳужжатлари гапирганда” тилимизнинг, ўзимизнинг ўрнимиз қаердалигини тушуниб етамиз.

Ўзбекистонда давлат тилини тўлақонли жорий этишни таъминлаш билан иш битади дейиш осон. Бунга фақат хоҳиш ва ирода керак. Хоҳиш бўлиш учун эса, кучли тарғибот ва тил мафқураси бўлиши лозим.

Ўзликни англаш

Тил сиёсатини мафқура қилиб юритар эканмиз, ўз она тилимизни қанчалик ҳурмат қилишимиз, биринчи навбатда оилага ҳам боғлиқ. Ҳар бир оилада, мулоқот тили биринчи ўринда ўзликни англашга етаклайди. Оилада миллий тилимизга бўлган эътибор кучли бўларкан, бола аввало эътибор ва эъозланган она тилда фикрлайди.

Оилада ўз она тилида мулоқот қилиб, мактабда бошқа тилда суҳбатлашадиган бола аста-секин “мактаб

уни тушуниб, тушунмай ҳаётимизда ишлатаётганлигимиз – бирон бир ошхонага овқатланишга кирсангиз, “собойга нима бор”, “собой қилинг”, “собойга олиб кетасизми?”, “Флеш-моб қилинг” каби жуда кўп сўзларни учратамиз. Давлат тилининг софлигини сақлашда кўпроқ дастурий таъминотни соф ўзбек тилида яратилиши эса юқоридаги кўринишларнинг олдини олади.

Айниқса, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, дарслик ва оммавий ўқила-



“ЎЗ ТИЛИГА САДОҚАТ – БУ ВАТАНИЙ ИШДИР”

тили”га ўтиб олишини кўпчилик яхши билса керак. Бу эса, фарзандларимизни менталитетимизга мос қилиб вояга етказишда анча мушкулот туғдиради. Ўзликни англашда тилни биринчи ўринга қўйсақ инсон маънавиятини шакллантиришдаги ўрни келиб чиқади.

Ўзликни англашда тил сиёсатини юритиш ва тарих зарварақларида акс этган ноёб асарларни халқимизга етказиб бориш муҳим омиллардан биридир. кўлёмалар, жадид намоёндаларининг ҳаёти ва ижодини ўрганишни тобора кучайтириш муҳим омил сифатида кўриниб қолмоқда.

Тил сиёсати қандай бўлиши керак?

2020-2030 йилларда ўзбек тилини ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш концепциясида тилимизни ривожлантиришнинг муҳим белгилари белгиланган. Жумладан, мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётининг барча соҳаларида давлат тили имкониятларидан тўлиқ ва тўғри фойдаланишга эришишнинг бирдан бир йўлини танлаб олдик, яъни давлат тилида иш юритиш. Бунга нафақат иш юритиш, балки иш юритиш орқали одамлар онгида ўзбек тили имкониятларини тўлиқ сингдириш – ёзма нутқ, оғзаки нутқ ва ташқи кўргазма тил сиёсатининг асосий технологияларидандир.

Давлат тилининг софлигини сақлаш, уни бойитиб бориш ва аҳолининг нутқ маданиятини ошириш бугунги кундаги энг муҳим йўналишлардан бири. Лекин, аксарият ҳолларда тилнинг софлигини сақлаш, илмий муассасалар ва тилшуносларнинг иши дея, калаванинг учини ўзимиздан кочирамиз.

Глобаллашув жараёнида тилимизнинг ривожланиши ҳам тезлашиб, ўзга тиллардан кириб келаётган сўз ва иборалар ҳам ривожланишга “ўзлаштирма” сўзлар сифатида хисса қўшмоқда. Уларнинг тилимиздаги муқобили ёки ўзбекча талқини борлигини “изламай” мулоқот жараёнига киритиб юборамиз. Бу асосан ёзма мулоқотда кўпроқ сезилиб, оммавий тус олмақда.

Ҳар бир соҳа тил сиёсатига бўлган эътиборни ўзи кўрсатиб беради. Масалан, “плагиат”, “антиплагиат”, “скриншот”, “стендап”, “презентация” ва ҳоказолар. Энг ачинарлиси

диган нашрлар лойиҳаларини тайёрлашда давлат тилини қўллашда изланишларимизни кучайтиришимиз лозим. Шунингдек, амалиётда тилнинг софлигини сақлашга таълим муассасаларининг ўрни ва аҳамияти бекиёс.

Давлат тилини бойитиб боришда Концепция асосида фаолиятни йўлга қўйсақина, яъни ўзбек тилини бойитиб борамиз. Бунинг учун ҳар бир соҳа вакиллари фаолиятидаги сўз ва атамаларни муқобилини яратиш, луғавий изоҳини тилшунос-мутахассислар билан келишиб, уни амалиётга киритиши долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Архив соҳасида ишлатилаётган 100 га яқин сўзларнинг бугунги кунда муқобили тайёрланиб, уларнинг изоҳи билан берилган луғати ишлаб чиқилди.

Архив соҳасида давлат тилида иш юритиш бўйича қўлланма ишлаб чиқилиб, архивларга етказилди. Меҳнат қонунчилигида ишлатиладиган янги сўз ва атамаларнинг изоҳли луғати Бандлик ва меҳнат вазирлиги томонидан ишлаб чиқилиб, бугунги кунда амалиётга кенг татбиқ этилаётганлигини ҳам айтиб ўтиш жоиз. Ўзбек тилини ривожлантиришда айнан изоҳли луғатлар аҳолининг нутқ маданиятини оширишга катта хисса қўшади.

Бугунги кунда тайёрланаётган ҳар бир соҳа бўйича изоҳли луғатларимиз эса, давлат тилининг замонавий ахборот технологиялари ва коммуникацияларига фаол интеграциялашувини тезлаштириб, ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузини янада оширади.

Тил сиёсати ҳақида илгари “эҳтиёт бўлинг”, “тил сиёсати нозик”, “биз кўпмиллатли халқимиз” дегувчилар топиларди. Қатъий талабларни қўйиш сиёсатнинг бошқа тилларга нисбатан путур етказишига олиб келмайди. Давлат тилини ри-

вожлантиришга доир ягона давлат сиёсатини юритишда раҳбарларининг маслаҳатчиларига катта масъулият юклатилган.

Айнан маслаҳатчилар томонидан давлат тилида соҳавий иш юритиш ҳужжатларининг ягона электрон намуналарини ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланиш учун онлайн дастурлар яратишга эътибор кучайтирилмоқда.

Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини, имло қоидаларини янада такомиллаштириш ва янги ёзувга тўлиқ ўтишни таъминлашда тил бўйича маслаҳатчиларнинг ўрни бекиёсдир.

Давлат тилининг амал қилиши билан боғлиқ муаммоларни аниқлаш ва бартараф этиш юзасидан, шунингдек, уни ривожлантириш соҳасида фармон, қарорларнинг белгиланганлиги, ҳукуматда махсус тузилма ташкил қилинганлиги ва бу ўзбек тилининг нуфузини давлат сиёсати даражасида олиб борилишини таъминлайдиган янги омилдир.

2021 йил 1 апрелдан бошлаб эса ўзбек тили ва адабиёти бўйича билимни баҳолашнинг миллий тест тизими асосида раҳбар кадрларнинг давлат тилида расмий иш юритиш даражаси аниқланиши йўлга қўйилганлиги эса тил сиёсатини юритишнинг функционал йўналишларидан бири ҳисобланади. Демак тил сиёсати энди аста мафқурага айланиб, онгимизга сингиб бораверади.

Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва обрўйини юксалтиришнинг ягона йўли – таълим. Биз мактабгача таълимдан бошлаб оғзаки ва ёзма нутқни ривожлантирмас эканмиз, ўзбек тилининг нуфузини бой берамиз. Жорий йилда яна бир катта муваффақиятга эришилди. Ташқи реклама ёзувлари аввал давлат тилида акс эттирилиши қонун билан белгиланди ва бугунги кунда унинг ижросига киришилди.

Демак, ўзбек тилини мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида тўлақонли ифодаланишини таъминласак ва такомиллаштириб борсак, ёшларни миллий ҳамда умуминсоний қадриятлардан ғурурланиш руҳида тарбияласак, она тилига бўлган ҳурмати, меҳр-муҳаббати янада ортиб бораверади.

Ана шундагина биз юртимиздаги ҳар бир фуқаронинг давлат тилини билишига ва буни бурч ва мажбурият сифатида ҳис этишига эришамиз.

Мамлакатимиз ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларида давлат тилининг тўлиқ жорий этилишини таъминлаш, тил тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ва унинг таъсир кучи барчага тааллуқли бўлишини таъминлаш бизнинг асосий вазифамиздир.

Шухрат ТУРСУНБОЕВ,

“Ўзархив” агентлиги директори маслаҳатчиси



“ЎЗБЕКИСТОН – ШОҲМОТ ВАТАНИ!” ДЕЙИШГА ҲАҚЛИМИЗ

(Боши 1-саҳифада)

Ҳеч бир ғалаба, ҳеч бир муваффақият ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Унинг мустақкам пойдевори бўлиб, яратилган муҳитда бўй чўзади. Маълумки, олимпиада олтин медаллари учун кураш қизгин паллага кирганда Президентимизнинг “Шахматни янада оммалаштириш ва ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорининг эълон қилиниши шохмотчиларимиз ғайратига ғайрат, ғалабага бўлган ишончига ишонч қўшди. Шундан кейин бўлган халқилувчи тўрт турда шохмотчиларимиз кучли Германия, Арманистон, Ҳиндистон-2 ва Нидерландия терма жамоалари билан учрашиб, уч ўйинда ғалаба қозонди, бир ўйинда “олтин” дуранг қилишди. “Олтин” дурангга эришилган кунда олимпиада катнашчилари Нодирбек Абдусатторовнинг “олтин” ғалабасига тан беришди. У Ҳиндистонлик гроссмейстер Гукешга қарши ўйинда қийин вазиятга тушиб қолди, аммо жуда аниқ юришлар қилавери ракибининг тинкасини курутди, янглишишга мажбур қилди ва ғалаба қозониб, олимпиада олтин медалларига бўлган умидимизни сақлаб қолди. Охири турда Жаҳонгир яна масъулиятни зиммасига олди, чигал вазият юзага келтириб, хотиржам дона сурди, бироз устунликка эришди, асосийси, қолган ўйинлар тугашини кутди, кейин халқилувчи ҳужумга ўтиб, ғалабасини расмийлаштирди ва Ўзбекистонимизга узоқ кутилган олимпиада олтин медалини келтирди.

Тарихий манбаларда 8-асрнинг охири 9-асрнинг бошларида кутлуғ заминимизда Абу Бакр ас-Сулий, Зайраб Катар, Абу Наим ал-Ходимий, Жобир каби кучли шатранж усталари яшагани тўғрисидаги маълумотлар учрайди. 819 йили ўша даврнинг кучли шатранжчилари ўртасида Марвда ўтказилган нуфузли мусобақада ас-Сулий ғолиб чиққан (Европа шундай мусобақа минг йил кейин – 1851 йили Лондонда ўтказилган ва унда Андерсен ғолиб бўлган). Ас-Сулий Бағдодда мунтазам ўтказиб туриладиган шатранж мусобақаларида ҳам ғалаба қозонган. У шатранж ҳақидаги ҳикояларнинг қаҳрамони бўлган Лайложнинг устози ҳисобланади. Лайлож устози ва ўша давр кучли шатранжчилари мансуба (эюд) ларини киритган ҳолда китоб ёзган. Абулфатх Аҳмад ас-Сижзий 12-асрда ёзган “Шатранж китоби”-га ҳам Ас-Сулий тузган мансубаларни киритган.

Византияда туғилган, кейин Шарққа кўчиб келган кучли шатранжчилардан бири Ал-Адлий (9-аср) шатранж ўйинида шашхолдан дастлаб “Икки дарё оралиғида мамлакат”да, яъни бизнинг заминимизда воз кечилганини айтиб (илгари шашхолда тушган хол-

лар сонига қараб юриш қилинган, яъни шашхол ташланганда олти холли томон юқорида бўлса, шох юрилган, агар шашхол ташланганда беш холли томон юқорида бўлса, фақат фарзин билан юриш қилинган ва ҳоказо. Албатта, бу инсон тафаккурини чеклаган), бу шатранж тараккиётида муҳим ўрин эгаллаганини таъкидлаган. Буюк алломаимиз Абу Райҳон Беруний (973–1050) шатранж ҳақида китоб ёзган (афсуски, бу китоб сақланиб қолмаган). Лекин унинг “Ҳиндистон” китобида Ҳиндларнинг чатуранга-чатранг-шатранг (шатранж)ни тўрт киши ўйнаётганини кўрганда хайрон қолгани ёзилган. Бу Хоразмда шатранжни икки киши ўйнаганини билдиради. Шу боис Мамажон Муҳитдинов (1927–2002) 1970 йилда шохмот тарихи бўйича ёқлаган номзодлик диссертациясида юқорида келтирилган манбаларга таянган ҳолда “Ўзбекистон – шохмот ватанларидан бири” деган хулосага келган.

Бунинг ажабланидиган жойи йўқ. Чунки биз Англия – футбол ватани деган сўзларга кўникиб кетганмиз. Ҳолбуки, футболга ўхшаш ўйинлар беш минг йиллар илгари Мисрда, Хитойда ва бошқа давлатларда ҳам бўлган. Шундай экан нега Англия футбол ватани дейилади? Сабаби оддий: 1848 йилда Англиядаги Кембриж университети ўқитувчилари футболнинг замонавий қоидалари ишлаб чиқишган ва бу қоидаларни жорий этишган. Шатранжнинг юксалишига сабаб бўлган асосий қоида, яъни шашхолдан бизнинг заминимизда воз кечилган экан, биз фахр билан “Ўзбекистон – шохмот ватани!” дейишга ҳақлимиз.

Албатта, юртимизда шатранжни ривожлантиришга буюк саркарда ва давлат арбоби Амир Темури (1336–1405) бобомизнинг кўшган ҳиссасини алоҳида таъкидлашимиз лозим. Соҳибқирон бобомизнинг ўзлари яхши шатранж ўйнаганлар, салтанатга кучли шатранжчиларни таклиф этганлар ва Самарқандда шатранж мусобақалари ўтказиб турганлар. Бу мусобақаларда ўша даврнинг кучли шатранжчиси Али аш-Шатранжий ғолиб бўлган. Амир Темури бобомиз бўш пайтларида Али аш-Шатранжий билан шатранжда дона суришга қаноатланмай, шатранжи кабирда ҳам бахслашган. Шатранжи кабирда доналар сони кўпроқ бўлиб, 128 катакда ўйналган, оддий шатранжга нисбатан анча мураккаб вазиятлар юзага келган. Шунинг учун ҳамма ҳам шатранжи кабир ўйнашга жазм этмаган.

Қадим юртимизда шатранж севиб ўйналгани тўғрисида Абдураззоқ Самарқандий (1413–1483)нинг “Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн”, Алишер Навоий (1441–1501)нинг “Мажолис ун-нафоис”, “Лисон ут-тайр”, Заҳриддин Муҳаммад Бобур (1483–1530)нинг “Бобурно-

ма” каби тарихий асарларда ҳам ёзиб қолдирилган. Ҳазрат Алишер Навоийнинг тарихчи шоғирди Хондамир “Мақоримул-ахлоқ” китобида Ҳазрат Навоийнинг шатранж ўйнаганига оид қизикарли лавҳага ўрин берган.

Шохмотнинг ҳозирги қоидалари 1924 йил 20 июлда Парижда ташкил этилган Халқаро шохмот федерацияси (FIDE) томонидан тасдиқланган. 1925 йилдан Ўзбекистонда шохмотнинг қоидалари кенг тарғиб қилинган ва шу қоидалар асосида мусобақалар уюштирилган. Бу ишларда тошкентлик шохмот фидойиси, 1930 йили Ўзбекистоннинг биринчи чемпиони бўлган Азмиддин Хўжаев (1892–1946) жонбозлик кўрсатган. Ўзбекистонликлар орасида биринчи бўлиб спорт устаси талабини бажарган Мамажон Муҳиддинов ярим аср давомида юртимиз шохмотни ривожлантиришга катта ҳисса қўшди. У 1984 йили Ўзбекистоннинг биринчи халқаро гроссмейстери бўлган Георгий Аъзамов (1954–1986)га устозлик қилган.

1992 йили Манилада ўтказилган шохмот олимпиадасида терма жамоамиз фахрли иккинчи ўринни эгаллаган. Бу муваффақият мустақил Ўзбекистоннинг спортдаги дастлабки оламшумул муваффақияти сифатида тарихимиздан жой олди. Бу муваффақият юртимизда шохмотимизнинг янги иқтидорли авлоди вояга етишига хизмат қилди. Ливиянинг пойтахти Триполи шаҳрида ўтказилган жаҳон чемпионатида Рустам Қосимжонов 2004 йил 14 июль куни 17-жаҳон чемпиони деган фахрли унвонга сазовор бўлди. Таъкидлаш жоизки, бу ғалаба юртимизда шохмотимизнинг олтин авлоди вояга етишига замин яратди. Айнан шу олтин авлоддан тузилган Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси 2018 йили Туркиянинг Кўня шаҳрида 16 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасида ўтказилган жаҳон шохмот олимпиадасида ғалаба қозонди. Биз бу олтин авлоднинг Бутунжаҳон шохмот олимпиадасида ҳам ғалаба қозонишини интизорлик билан кутаётгандик. Бу оламшумул воқеа Ченнайда юз берди!

Аслида, Ченнайда ўтказилган Бутунжаҳон шохмот олимпиадасида ўзбек шохмотчиларининг чемпион бўлиши, айнан шу шаҳарда ташкил этилган Халқаро шохмот федерациясининг навбатдаги конгрессида 2026 йилда бўладиган 46-Бутунжаҳон шохмот олимпиадасини Ўзбекистонга берилишида қандайдир рамзийлик бор. Биз буларни Ўзбекистон – шохмот ватани эканига эътирофлар сифатида қабул қилайлик.

Спортчилар чемпион бўлишдан кўра уни такрорлаш қийин дейишди. Бизнинг чемпионларимиз 16–28 ёшдалар, уларнинг куч-ғайратга, ақл-заковатга тўлиб бораётган дав-

ри. Муҳими, улар озодлик ҳавосидан баҳраманд бўлган ИСТИҚЛОЛ ФАРЗАНДЛАРИ! Ишончим комил, шохмотимизнинг олтин авлоди кейинги олимпиадаларда, айниқса Тошкентда бўладиган олимпиадада халқимизга яна шуқуҳли онларни тақдим этадилар. Бундай ишонч билдиришимизга Президентимизнинг кейинги йилларда спортни, хусусан шохмотни ривожлантириш бўйича қабул қилган қатор муҳим қарорлари, ғолиб спортчиларимизнинг муносиб равишда тақдирлаётгани асос беради.

Дарҳақиқат, ғалабалар ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмайди, халқаро миқёсда чемпионликка эришишдан кўра уни ҳимоя қилиш қийин деган ҳикматли нақллар бежиз айтилмаган. Шунинг учун ҳар бир дамни ганимат билиб шохмотчиларимиз келгуси олимпиадаларга тайёргарлик кўришлари учун ҳозирдан шариит яратишимиз керак. Бу хайрли мақсадимизга кенг эшиклар очилиши учун Президентимизнинг “Тошкент шаҳрида бўлиб ўтадиган 46-Бутунжаҳон шахмат олимпиадасига Ўзбекистон шахмат терма жамоаларини мукамал тайёрлаш тўғрисида” Қарори қабул қилинса айтилган муддао бўларди. Бундай Қарор шохмот терма жамоаларимизнинг олимпиадага тайёргарлик кўриш дастурини белгилаб берарди. (Тошкентда бўладиган шохмот олимпиадасида мезбон сифатида учтадан терма жамоа билан катнашиш ҳуқуқига эгамиз). Яъни, қайси муддатларда терма жамоаларнинг йиғинлари ўтказилади, терма жамоа аъзолари қайси халқаро мусобақаларда иштирок этади, терма жамоалар учун қандай нуфузли учрашувлар ташкил этилади ва ҳоказо. Ахир, биз Тошкент шохмот олимпиадасида нафақат Ченнайдаги чемпионлик унвонини, балки Ўзбекистон шохмот ватанларидан бири эканлигини жумлайи жаҳонга тасдиқлашимиз керак. Умидимиз шуки, шохмот терма жамоамиз Тошкентда бўладиган олимпиадада чемпионлик унвонини ҳам, Ўзбекистон шохмот ватани эканини ҳам шараф билан ҳимоя қилади!

Шуни ҳар доим ёдимизда сақлайлик: шохмотчиларимизнинг Ченнайдаги оламшумул ғалабаси ҳар йили рўй берадиган ҳодиса эмас, Ўзбекистон тарихига олтин ҳарфлар билан ёзилган БУЮК ҒАЛАБА! Бу оламшумул ғалабадан ёшларимиз ибрат олиши учун унинг аҳамиятини матбуотда тез-тез тарғиб этиш долзарб вазифаларимиздан бири ҳисобланади.

Асрор МЎМИН,
Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган журналист

МАЪРИФАТ МАЁҚ БЎЛСА, МАЪНАВИЯТ МАЛЎАМДИР

Ҳар қандай қуш қўш қаноти билан парвоз қилгани каби жамиятнинг ҳам икки қаноти бор. Бири моддият бўлса, иккинчиси маънавиятдир. Бусиз мамлакат тараққиётини тасаввур этиши мушкул.

Маънавият моддиятдан, моддият эса маънавиятдан куч олади, руҳ олади. Бугунги кунда "Маънавият фестивали", "Маданият карвони" тушунчалари республикамиз бўйлаб маҳалла, таълим муассасалари ва меҳнат жамоаларида алоҳида кизиқиш ва аҳамият касб этаётгани рост.

Навоий вилоятига навбатдаги маънавият сафари ҳам ана шундай таассуротларга бой бўлаётгани эътиборга молик. Буюк мутафаккир ҳазрат Навоий номи билан юритилувчи вилоятга келиб "Тинчлик Плаза" меҳмонхонаси ресторанида барчамиз жамулжам бўлгач, Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг ўринбосари Нодир Жонузоқ ушбу маърифий ҳаракатнинг аҳамияти ва тарғиботчиларнинг масъулияти борасида мулоҳазаалар билдирди. Таом тановулидан сўнг тарғиботчилар тегишли ҳудудларга бириктирилгани эълон қилинди.

Рўйхатга мувофиқ биз Хатирчи туманида фаолият юритадиган бўлдик. Гуруҳимиз таркиби Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Салим Ашур, Дўстлик ордени нишондори Хусан Мусабоев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Абумағруф Қодиров, Муқимий номли Ўзбекистон Мусикали театрининг маҳоратли актрисаси Муқаддас Мамадалиева, таниқли, хушовоз хонандалар Ирода Искандарова, Шербек Шодиев, Мафтуна Тўраева, Дилшодбек Юнусов, Сурайё Қосимовалар маҳаллий аҳоли билан учрашувларда анча файз олишди.

Республика Маънавият ва маърифат Маркази, Ўзбекистон Ёзувчилар

Уюшмаси, Ўзбекистон Маданият Вазирлиги, Ўзбекистон Кинематография агентлиги таркибида фаолият юритувчи иқтидорли тарғиботчилар чинакам маънода халқ билан бирга бўлиб ижодий мулоқотлар қилиб маҳаллий аҳолининг қалбига йўл топгани сир эмас.

Илк учрашувимиз Хатирчи туманидаги Агротехнологиялар техникумида бўлиб ўтди. Ўша кун мухтарам Президентимиз томонидан ўтказилган видеоселектор йиғилишига "Яшил макон" умуммиллий лойиҳасини амалга ошириш вазифаси белгиланганди. Юртимизда «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси доирасида 2022 йил 20 октябрдан «долзарб 40 кунлик» тадбирлари бошланганди. Шу муносабат билан яшил майдонлар ҳудуди бўйича бир қатор кўкаламзорлаштириш, арча ва манзарали дарахт кўчатларини экиш ишлари амалга ошириб келинмоқда. Хатирчи тумани ҳокими Сайфиддин Низомов тадбирни очар экан, яшил макон ободонлаштириш борасида янги имкон эканлигини таъкидлаб ўтди.

Сўнгра Хўжақўрғон МФЙ ҳудудидаги Туман тиббиёт бирлашмасида ва Тамабахрин МФЙ ҳудудидаги 22 - сонли умумий ўрта таълим мактабида, Тошқулоқ МФЙ 9-сонли Болалар мусика ва санъат мактабида, Боғишамол маҳалласидаги "Саховат" маданият уйида бўлган тадбирлар ниҳоятда завқ-шавқли бўлиб маҳаллий аҳолини хурсандчилигига боис бўлди.

Ёшлар ишлари агентлигининг Навоий вилояти бўлими томонидан "Ёшлар дафтари"га киритилган даволанишга муҳтож бўлган икки ёшнинг ҳолидан

хабар олгани ҳам чинакам шодиёнага айланди. Фарангиз Насриддинова анчадан бери кўзи ожиз бўлиб шифога муҳтож эди. Шунингдек, Ёркиной Ўролова ҳам бўйин умурткаси жароҳатлангани боис давоталаб эди. Уларнинг ҳар иккаласига 15 миллион сўмдан берилиши уларнинг кўнглини кўтарди. Ўша жараёнда иштирок этган журналист Салим Ашур "давлатимиз раҳбарининг ҳимояга муҳтож аҳоли қатламига меҳр-муруват кўрсатиш лойиҳаси доирасидаги ҳаракатлар натижаси" Хатирчи туманида ҳам амалга оширилаётганини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Шу тумандаги 24 - сонли мактаб директори Шерзод Бобоназаров жамоаси ҳамда маҳалла фаоллари билан ўтказилган тадбирдан сўнг бизларни 3 мингдан зиёд китоблари бор бўлган мактаб кутубхонасига бошлади. Китобга эътибори юқори бўлган ўқувчилар ҳатто, таътил пайтида ҳам китоб мутолааси билан машғуллиги бизни мамнун этди. Кутубхонадаги ўқувчилар билан суҳбатлашиб уларнинг билимларини, топқирлигини синовдан ўтказдик ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан тақдим этилган турли мавзудаги китобларни улашдик.

"Маънавият фестивали" доирасида "Оила - маънавият кўрғони" лойиҳаси бўйича ҳам биргаликда фаолият олиб бориш асносида турмуши пароканда бўлаётган битта киз фарзанди бўлган ёш оилани ўзаро яраштирдик. Оила муқаддаслиги, ёш гўдақларни етим қилишга ҳеч кимнинг ҳақи йўқлигини уқтирдик. Ўткинчи хис-туйғу билан эмас, балки ақл - идрок билан иш тутиш инсонни нурли манзилларга элтиши борасида сўзладик.

Сўнгра "Дўстлик" ордени соҳиби

Хусан Мусабоев билан истеъдодли режиссёр Рустам Саъдиев томонидан суратга олинган "Барон-2" фильми намойиши олдидан сўзга чиқдик. Кино санъатлар ичида энг муҳими экани ва уни томоша қилиш орқали ҳар бир инсон ўзига яраша хулоса чиқариши ва эзгуликка назар, ёвузликка ҳазар нигоҳи билан қараши керак, - деди Хусан Мусабоев. Хатирчи тумани ҳокимининг муовини Жалил Рашидов ҳада тарғибот гуруҳимиз раҳбари Жасур Бурхонов махсус тузилган режа-жадвал асосида учрашувларни тизимли ташкил этиб боргани анча самарали бўлди. Ўзбекистон кинематография агентлиги бадий фильмлари орқали аҳолининг турли қатламлари орасида маънавият ва маърифатнинг заррин нурларини сочди десак, хато бўлмайдими.

Хуллас, тана ва жон тириклик белгиси бўлса, руҳ эса мукамаллик тимсолидир. Ана шу уч бирликнинг яхлит уйғунлиги комиллик нишони ва баркамоллик белгисидир. Худди шу маънода давлатимиз раҳбари иқтисодиётни жамият ҳаётининг танасига, маънавиятни эса унинг жони ва руҳига қиёс қилишлари бежиз эмас.

Демак, ушбу ҳаракатларимиз халқ онгу тафаккурида янги эврилишларни, қалбида элни ва инсонни азиз тутувчи Янги Ўзбекистон ғояларига бўлган ишонччи мустаҳкамлаши аниқ. Руҳият озиғи маънавият кўнгли малҳами бўлса, маърифат эса йўлларни ва дилларни ёритувчи маёқдир. Тарғиботчилар бу борада доим камарбаста ва собитқадамдирлар.

РАҲИМБОЙ ЖУМАНИЕЗОВ
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
ва "Маърифат" тарғиботчилар
жамияти аъзоси

ХАЛҚНИ РОЗИ ҚИЛИШ — АСОСИЙ МАҚСАД

(Боши 1-саҳифада)

Бугун тизимда эришилаётган натижалар ҳар бир давлат хизматчисини келажакка ишонч билан қарашга ундайди. Шу боис, янги Ўзбекистонда юксак билими ва касбий салоҳияти бўлган ҳар бир давлат хизматчиси раҳбарлик мактабига кириши ва меҳнати билан товланиши айна ҳақиқатга айланди.

Сир эмаски, бугун давлатни барқарорлаштириш билан бирга жамиятни фаоллаштириш, давлат хизматчисининг жамиятга ижобий муносабатини шакллантириш, халққа хизмат қилиш, одамлар розилигини олиш, ҳалоллик, адолатни мустаҳкам ўрнатиш борасидаги замонавий ёндашувга бўлган ижтимоий эҳтиёж кучайди. "Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида"ги қонуннинг қабул қилиниши Президентимиз илгари сураётган халқпарвар сиёсатнинг яна бир амалий тасдиғи бўлди.

Яна бир муҳим жиҳат. Қайд этиш жоизки, "Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида" қонун қабул қилиниши бу йўналишда юртимизда кечаётган маъмурий ислохотларнинг муҳим босқичи бўлди. Қонун билан илк бор давлат фуқаролик хизматчиларининг ҳуқуқий мақомини белгилаш, энг муносибларни очик ва мустақил танлов билан ишга қабул қилиш, ходимлар фао-

лиятини ЭМСК (КР) асосида баҳолаш, меритократия асосида хизмат поғоналарида кўтарилиш ҳамда малака даражалари бериш ва меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тартибини жорий этиш мустаҳкамланмоқда.

Бу қонун нафақат миллий, балки илғор хорижий мамлакатлар тажрибасини ўзида мужассам этган. Масалан, Жанубий Корея, БАА, Германия, Франция, МДХ ва бошқа қатор давлатлар тажрибаси ўрганилди ҳамда уларнинг амалиёт синовларидан ўтган энг яхши жиҳатлари намуна сифатида олингани қонуннинг миллий ва замонавий руҳини ифодалайди.

Қонун 10 та боб ва 64 та моддадан иборат бўлиб, унинг "Давлат фуқаролик хизмати соҳасида давлат бошқаруви", "Давлат фуқаролик хизматчисининг ҳуқуқий мақоми", "Давлат фуқаролик хизмати соҳасида коррупцияга қарши курашиш" каби бобларида давлат фуқаролик хизматчисининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари, одоб-ахлоқ қоидалари каби тушунчалар акс этган. Хужжат Ўзбекистонда ижро ҳокимияти функцияларини амалга оширувчи давлат органлари ва ташкилотларидаги 118 мингдан ортиқ давлат фуқаролик хизматчиларининг фаолияти билан боғлиқ барча муносабатларни ягона қоидалар асосида тартибга солади.

Қонун билан давлат фуқаролик хизмати соҳаси-

да ваколатли орган этиб – Президент ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги белгиланди. Агентликнинг давлат фуқаролик хизмати соҳасидаги ваколатлари ҳам белгилаб берилди. Агентлик мутасадди вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда ушбу қонуннинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминлаш борасида бир қатор вазифалар ва чора-тадбирларни белгилаб олди.

Бир сўз билан айтганда, давлат хизматида узок йиллардан буён ўз ечимини топмаган тизимли муаммоларни ҳал қилишга қаратилган "Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида"ги қонун нормаларининг самарали ижросини таъминлаш орқали давлат фуқаролик хизматини тартибга солиш соҳасида илғор халқаро стандартларга жавоб берувчи ягона тартибот тизими шакллантирилади. Энг асосийси, давлат фуқаролик хизматида малакали кадрларни фаол жалб қилиш, улар салоҳиятини ошириш, фидойи, халқпарвар ва рақобатбардош кадрлар сифатида тарбиялаш учун зарур ҳуқуқий шароитлар яратилади.

Мухаррам ДАДАХОДЖАЕВА,
Тошкент шаҳар Олмазор тумани ҳокими
ўринбосари — оила ва хотин-қизлар бўлими
бошлиғи

Туркий Давлатлар ташкилоти:

АЗАЛИЙ ДЎСТЛИК ВА ҚАРДОШЛИК РИШТАЛАРИНИНГ ЯНГИ ДАВРИ

(Боши 1-саҳифада)

Табиий ва тарихий жараёнлар зарурати

Туркий Давлатлар Ташкилотининг умумий фаолияти ва ташкил этилиш тарихи ҳақида қизиққан одам борки, ҳаёлидан куйидаги савол ўтиши табиий: Ўзбекистон нима учун ушбу ташкилотга аъзо бўлди?

Бу саволга кўплаб сиёсатшунослар ҳамда халқаро экспертлар турфа ракурста, турлича жавоб беришган. Кимдир Ўзбекистоннинг мазкур тузилмага аъзо бўлишини Президент Шавкат Мирзиёевнинг ҳокимията келиши билан боғлаган бўлса, яна кимдир бу “юриш”ни “Ўзбек халқи учун устувор фойда келтирадиган йўлдан бориш” дея изоҳлаган. Бошқа биров эса ушбу “қарор”ни “тоталитар тузумданиқтисодий-сиёсий ва ижтимоий демократия сари муҳим қадам”, сифатида баҳолаган.

Албатта, юқоридаги мулоҳазаларнинг барчаси ўринли. Бунинг асло инкор этиб бўлмайди. Аммо тарихий маълумотлар шундан шохидлик берадики, бу ғоя аллақачон пайдо бўлган. Чунки соҳибқирон Темур орзуларида ҳам туркий халқларни бирлаштиришни назарда тутувчи Турон тушунчаси мавжуд эди. Бундан бир аср муқаддам ҳам жаҳид боболаримизнинг туркий халқларнинг бир мақсад ва бир ғоя йўлида бирлашувини ўзларининг олий мақсадлари деб билишганининг ўзиёқ мазкур ташаббуснинг тарихий кўламини кўрсатиб турибди.

Бу ҳақда тўхталаркан, давлатимиз раҳбари тузилманинг Озарбайжонда бўлиб ўтган 7-саммитидаги нутқида Ўзбекистоннинг ташкилотга аъзо бўлиши, ҳеч шубҳасиз, табиий ва тарихий жараёнлар ифодаси эканини алоҳида таъкидлаган эди.

Дарҳақиқат, бугун тарих ва замон нуктаи назаридан қараб, фикр юритадиган бўлсак, Ўзбекистоннинг ташкилотга кўшилиши, энг аввало, мамлакатимизнинг геосиёсий мустақиллигини таъминлашга бўлган интилиш, яъни геосиёсий дихотомиядан воз кечиш, барча томонлар билан кўп векторли ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш йўлини танлаш позицияси билан боғлиқ эканлиги англашдилади.

Аммо аниқ факт шуки, Ўзбекистон ҳозирги кунда Марказий Осиёда таъсири ортиб бораётган икки йирик ҳамкори — Россия ва Хитойга қарамлик остида қолиб кетишни истамайди. Аксинча, ички ривожланишга эришиш орқали максимал даражада мамлакатнинг иқтисодий кудрати ва сиёсий салоҳиятини таъминлашни хоҳлайди.

Яна бир муҳим жиҳат бу — экологик барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш билан боғлиқ. Бинобарин, Ўзбекистон ўтган давр мобайнида Хитойдаги уйғурлар сепаратизми ёки Кримнинг аннексия қилиниши, шунингдек, Жанубий Кавказдаги Тоғли Қорабоғ ҳудуд минтақада сув билан боғлиқ ихтилофли манзараларнинг кучайиши орқали ўз иттифоқчиларини шакллантириш заруратини тушуниб етди.

Шу боис ҳам Президент Шавкат Мирзиёев ташқи иқтисодий ҳамкорлик ва хавфсизлик борасидаги муносабатларда барча имкониятларни ишга солиб, Ўзбекистонни у ёки бу давлатнинг таъсиридан ҳоли ўзганга чиқарди. Бу “ўзан” ҳеч шубҳасиз, томонларнинг ишончли ҳамкорлиги ҳамда миллий манфаатларини қўллаб-қувватлашга, шунингдек, “катта оға” мақомидаги мамлакатларнинг сиёсий ёки ҳарбий экспансиясидан ҳимояланишга асосланган тузилма — Туркий Давлатлар Ташкилотидир.

Имкониятлар эшиги очилди

Ташкилотга аъзо давлатлар бўйича ҳудуди жиҳатидан учинчи, аҳолиси жиҳатидан иккинчи ўринда турадиган Ўзбекистон қисқа фурсат ичида нафақат тузилманинг муҳим стратегик шерикларидан бирига айланди, балки у ташкилотнинг “асосий кўприги” вазифасини бажаришга ҳам муваффақ бўлди. Айни чоғда эса Ўзбекистон тузилма аъзоларини ҳам, кузатувчиларини ҳам бир-бирига яқинлаштирадиган платформа сифатида хизмат қилапти.

Хорижлик экспертлар Ўзбекистоннинг бу борадаги саъй-ҳаракатлари, ташаббуслари, энг аввало, амалдаги давлат раҳбарининг кўшиги ва қардош давлатлар ҳамда қатор минтақавий ташкилотлар билан узокни кўзлаб юритаётган очик ва конструктив сиёсати махсули эканини алоҳида таъкидлашади. Шунингдек улар ушбу ҳамкорликни кўшиги мамлакатлар билан бошланган минтақавий интеграциянинг мантқиқий давоми сифатида юқори баҳолайдилар.

Хусусан, туркиялик сиёсатчи Ўрхан Кариксиз ушбу тузилмада Ўзбекистоннинг гиштирокисиз минтақавий унификация ва ҳамкорлик муносабатлари амалга ошмай келаётганини қайд этган. Қолаверса, у мамлакатнинг ташкилот сафига тўла ҳуқуқли аъзо сифатида кўшилиши нафақат тузилма фаолиятига, балки бутун туркий дунёнинг туб манфаатларига кучли туртки беришини билдирган.

Умуман олганда, Ўзбекистоннинг Туркий Давлатлар Ташкилотидидаги роли жуғрофий жиҳатдан ҳам, нуфуси ва имижаси жиҳатидан ҳам муҳим аҳамиятга эга. Чунки Ўзбекистон маргинал давлат эмас. Минтақадаги бирор бир масала унинг иштирокисиз хал этилмайди. Бундан ташқари, юртимизни аъзо мамлакатлар ва кузатувчи давлатлар билан диний яқинлик, урф-одат ва анъаналар муштараклиги ҳамда қардошлик ришталари ва яқин тарихий алоқалар ҳам боғлаб туради. Яъни, СССР парчаланиб кетгунига қадар Қозоғистон, Қирғизистон, Туркменистон, Озарбайжон ва Ўзбекистонни умумий манфаатлар бирлаштириб турган. Қолаверса, Туркия ва Венгрия ўртасидаги муносабатларни ҳам ижобий баҳолаш мумкин. Хусусан, Туркия Ўзбекистоннинг мустақиллигини биринчилардан бўлиб тан олган бўлса, Венгрия мамлакатимизнинг Марказий Европадаги ишончли ҳамкорларидан бири бўлиб келган.

Географик жиҳатдан эса Ўзбекистон Марказий Осиёнинг “юраги” да жойлашгани ташкилотнинг кузатувчиси ва аъзоларига транспорт алмашинувида қулай имконият яратади. Яъни ҳудудимизнинг транспорт-транзит салоҳияти унинг тарихан Шарқ ва Ғарб, Шимол ва Жануб ўртасида кўприк вазифасини бажаргани билан муҳим аҳамиятга эга. Биргина мисол. Ҳозирги кунда 22 минг километрга тенг бўлган минтақа малакатлари темир йўл линияларининг қарийб 20 фоизи юртимиз хиссасига тўғри келаётгани ҳамда Ўзбекистон 20 дан ортиқ коридор орқали кўшни давлатлар билан ҳамкорлик алоқаларини олиб борётгани ҳам фикримизнинг нақадар тўғри эканлигини исботлаб турибди.

Мамлакатимизнинг ташкилотдаги муҳимлик даражасини кўрсатувчи яна бир омилимиж ва нуфусдир. Яъни, Ўзбекистон қисқа вақт ичидададил ташаббуслари ила дунё ҳамжамиятининг эътиборига тушди, юксак обрў-эътибор қозонди. Хусусан, халқаро ташкилотлар билан кўп томонлама алоқалар ўрнатишда, муҳим халқаро тадбирларга мезбонлик қилишда турли платформаларнинг фаол иштирок-

чисига айланди. Бунинг юртимизжорий йилда Самарқандда Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига тўртинчи маротаба муваффақиятли раислик қилгани мисолида ҳам кўриш мумкин.

Шу маънода айтадиган бўлсак, туркий дунё “ота юрт” деб атайдиган Ўзбекистоннинг ташкилотга кўшилиши унинг кучини ҳам, кудратини ҳам, 36 миллионлик аҳолиси билан жозибadorлигини ҳам ошириб юборди. Бу борада, айниқса, сўнгги 3 йилда тузилма саммитлари доирасидатуркий дунё бирлигини ривожлантириш борасида илгари сурилган аниқ ғоя ва ташаббуслар туфайли илгари фойдаланилмаган имкониятлар эшиги очилди.

Ҳамкорлик алоқалари кенгаймоқда

Илдизи бир, томирлари туташ, тилини дини муштарак халқларимизнинг иқтисодий манфаатлар устуворлигига асосланган ҳамкорлик алоқалари маданий-гуманитар, транспорт-коммуникация, туризм, илм-фан, таълим ва яқин кўшничилик муносабатларини шакллантириш борасида ҳам фаол ривожланмоқда.

Ўтган давр мобайнида давлатимиз раҳбари томонидан тузилма доирасида бир қанча муҳим ташаббуслар илгари сурилди. Ва бу ташаббусларнинг рўёбини бугун барчамиз ҳаётда кўриб, гувоҳи бўлиб турибмиз.

Хусусан, ташкилотга аъзо давлатлар — Қозоғистон, Қирғизистон, Озарбайжон (60 кунлик) ва Туркия (90 кунлик) ўртасида визасиз режим жорий қилинди. Минтақада илгари маълум сабабларга кўра ёпилган чегаралар очилиб, қардош халқлар ўртасидаги ўзаро борди-келди-лар қайта тикланди.

Ўрни келганда айтиш лозим: бундай имкониятнинг яратилиши, ҳеч шубҳасиз, мен сингари ёшларга дунё билан бўйлашиш бахтини туҳфа этди. 2019 йилнинг биринчи чорагида ортиқча югур-югур ва хат-хужжатларсиз дастлаб Қозоғистонга, сўнгра эса Туркияга сафар қилишга муяссар бўлдим. Энг қизиғи ўша вақт, яъни Истанбулда бўлган давримда Ўзбекистон Нахичеван Битимини (Нахичеван, 2009 йил 3 октябрь) ратификация қилиш ҳақидаги Қонунни имзолади. Бу воқеликни Ватандан олисда, қардошларнинг табриги сифатида эшитиб, очиги, жуда-жуда ҳаяжонландим. Ҳатто, кўзларимдан ёш ҳам қалқди. Чунки бу табрик юртимизнинг туркий дунё халқларини бирлаштириш йўлидаги илк ташаббусига нисбатан берилган баҳо эди.

Таъкидлаш жоизки, тузилма доирасида маданий-гуманитар йўналишда давлатлараро муносабатларнинг янги босқичга чиқаётгани туризм соҳасининг ривожланишига ҳам ижобий таъсир кўрсатди. Натижада юртимиз аҳолисининг хорижга чиқиш имкониятлари кенгайиб, чет эл фуқароларининг мамлакатимизга ташрифи ортди. Статистик маълумотларга қараганда, 2022 йилнинг июль ҳолатига кўра, диёримизга келган жами 540 минг нафар сайёҳнинг 57 фоизи тузилмага аъзо уч мамлакат — Қозоғистон, Қирғизистон ва Туркия хиссасига тўғри келган.

Айниқса, Қозоғистонда Ўзбекистон йили ва Ўзбекистонда Қозоғистон йилининг ўтказилиши, Тошкентда Ашхобод боғи, Ашхободда Тошкент боғи очилиши ҳамда юртимизда Қозоғистон, Қирғизистон, Туркменистон, Озарбайжон маданият кунлари ҳамда туркий дунё ёшларининг “Ёш лидерлар форуми” ўтказилиши, шунингдек, Бухорода “Бухоро шаҳри биринчи туркий дунё ёшлар ташаббуслари

пойтахти” монументи ва “Туркий дунё ёшлари боғи” очилиши ва кўшма дўстлик концертлари, фестиваллари, кўрғазмалари ташкил қилиниши, олий таълим муассасаларида талабалар алмашинувининг йўлга қўйилаётганлиги — буларнинг барчаси халқларимиз ўртасидаги илқ туйғуларни янада мустаҳкамлади.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 29 июлда “Туркий давлатлар билан туризм соҳасидаги ҳамкорликни жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорининг қабул қилиниши эса бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтирди.

Бугунги кунда юртимизда ташкилотга аъзо мамлакатлар доирасида сайёҳларни жалб қилиш, хусусан, “Табаррук зиёрат” туризми платформасини ишлаб чиқиш, “Туркий дунёнинг туризм пойтахти” мақомини олган Кўкюн ва Марғилон шаҳрини “UNESCO Creative Cities Network” индексига киритиш, умумтуркий маданий мерос объектлари консервацияси ва реставрациясини амалга ошириш ҳамда минтақада туризм соҳаси мутахассислари алмашинувини йўлга қўйиш, шунингдек, туристлар учун юртимиз жозибadorлигини ошириш бўйича салмоқли ишлар амалга ошириляпти.

2021 йили эса Қозоғистон чегараси ҳудудидаги “Марказий Осиё” халқаро ҳамкорлик марказига тамал тоши қўйилди. “Ғишткўприк” (“Жибек Жоли”) ўтказиш пункти ҳудудида қад кўтарилган, умумий майдони 400 гектарлик марказдан суткасига икки томонга 35 минг киши ва 5000 дона юк машинаси ўтади. Ушбу маскан Ўзбекистон ва Қозоғистон иштирокидаги кўшма инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш учун йирик саноат ва савдо-логистика майдонига айланди.

Албатта, бу борада кўшни мамлакатлар билан низоли ҳолатни юзага келтираётган муаммо — чегараларни демаркация ва делимитация қилиш бўйича ижобий келишувга эришилгани ҳам муҳим аҳамият касб этди.

Чегара масаласидан ташқари, кўшнлар билан яна бир мураккаб масала кун тартибидан чиқарилди. Яъни сув-энергетика муаммоси бўйича ўзаро англашувга эришилди. Яқин келажакдаги режалар Марказий Осиё энергетик халқасини тўлиқ форматда ишга туширишдан иборатдир. Ҳозир Ўзбекистон Қозоғистон ва Қирғизистон билан умумий энергетик халқа доирасида муваффақиятли иш олиб бормоқда. Бир сўз билан айтганда, тузилмага аъзова кузатувчи давлатлар билан ҳамкорликуфқлари тобора кенгаймоқда.

...Дарвоқе, энди сўзимиз аввалида юзланган саволимизга қайтсак. Жорий йилнинг 11 ноябрь куни Ўзбекистонда ташкилотнинг янги номи билан ўтадиган илк саммитдатуркий давлатлар ўртасидаги ўзаро дўстлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш, ишонч ва яхши кўшничилик муҳитини шакллантириш, сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар ҳамда техника, энергетика, транспорт ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш каби йўналишларда самарали ҳамкорликни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинади. Бошқача айтганда, туркий дунёда инқилобий ўзгаришларни амалга ошириш, ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлаш учун тамал тоши қўйилади. Қолаверса, тузилманинг глобал дунёга трансформация бўлиш жараёнининг интихоси бошланади. Ушбу анжуманнинг бошқа саммитлардан фарқли томони ҳам шунда.

Мухаммаджон АХМАДЖОНОВ,
сиёсатшунос.

МАШХУРЛИК КАСАЛИ

Касаллик эмас аммо...



Қаерда бўлмасин ёш, ўқувчи йигит-қизлар билан гаплашиб қолсам келажакда ким бўлишини сўрайман ва кўпинча мен катта бўлсам, жуда машхур инсон бўламан деган жавобни оламан. Машхур бўлишнинг йўллари кўп. Сен қандай қилиб машхурликка эришмоқчисан деб қизиқиб яна сўрайман. Ёшлар ўзлари ҳақида, келгусидаги режалари ҳақида ёниб гапиришни жуда хуш кўришади-ки асти қўяверасиз. Савол беравериб, эзмалик қилиб юбормаяпманмикан деган истиҳолам эсимдан чиқиб, уларнинг актёр (актриса) ёки ҳамма севиб кузатадиган кўшиқчи бўлиш борасидаги орзуларини оғзимни очганча, нақ ярим соат эшитаман ўзиям.

Тан олишимиз керак-ки, машхур бўлиш деганда ҳамма ёш болалар мана шундай ўйлашади. Яъни уларни ҳамма одамлар таниши, яхши кўриши учун ё актёр (актриса) бўлиш керак ёки кўшиқчи деб ҳисоблашади. Бошқа касбни эгаллаб ҳам машхур бўлишнинг мумкин-ку, қайси йўналиш бўлмасин ўз ишини устаси бўлсанг ва ҳеч ким эриша олмаган натижага эришсанг ҳамма сени танийдиган бўлади. Одамларга қандайдир ёрдамнинг тегса-ю, бир умр ҳаққинга дуо қилиб ўтишади деб қанча уқтиришга уринманг барибир гапингизга кулоқ солишмайди. Сабаби улар машхурликка фақатгина сахна орқали эришилади деб ўрганиб қолишган.

Айниқса, ҳозирги вақтда ярашмаган қилиқлар билан бўлса ҳам интернет ёрдамида кўпчиликнинг назарига тушиб олгач, қандайдир рекламалар орқали, кимларнингдир клипида суратга тушиб пул ишлайман деб ўйлайдиган урчиди. Бунинг сабаби юқорида айтганимиздек, улар машхурлик фақатгина санъатда деб ўйлаб вояга етганликларидадир.

Ўйлаб кўрайлик, фан оламида машхурлар қанча, спорт йўналишида, таълимда, сиёсат оламида машхурлар қанча. Нима учун шу йўналишларда ишлаб машхур бўламан дейдиганларни камдан-кам учратамиз? Нима учун мана шундай мулоҳазаларимизни айтсак ёшларнинг энсаси қотади? Негаки бу йўналишларда машхурликка эришиш интернет орқали бемаза рақс билан танилишдек осон эмас. Юзтанинг бири бўл-у, ўнтанинг олди деган гап бор. Аввало мана шундай йўнали-

шларга қўшилиб олиш керак. Мақсадни катта қилиб, ҳеч кимнинг хаёлига келмаган, ҳали биров қўл уриб кўрмаган фойдали ишлар ҳақида бош қотириш керак.

Бир нарсани ўйлайвериб, ўйимга ета олмайман. Бугунги кунда ҳамманинг қўлида замонавий смартфонлар бор. Қандайдир янги илова ёки ўйинлар яратилса, дарров уларни юклаб олиб, қойилмақом тарзда ишлата оладиган, ўйнаш билан вақт ўтказадиган ёшларимиз бисёр. Аммо мана шу ўйинларни, иловаларни ёшларимиз нима учун бошқа давлатларда худди ўзларидек ўспирин йигит-қизлар яратаётганини ўйлашмаса. Баъзи пайтларда уялиб кетаман. Бошқа давлатлардаги мактаб битирувчилари томонидан яратилаётган ўйинларни бизнинг давлатимиздаги талабалари ўйнаб юрса-я. Ёки бошқа давлат ёшлари Tik tok, Like, Snapchat, Bigo Live каби иловаларни яратса-ю, бизлар ўша иловаларга рақсга тушиб жойлаш билан машхурликка эришмоқчи бўлаётган бўлсак.

Машхурлик дегани шуми? Яхши ном билан бўлса ҳам ёмонлик билан бўлса ҳам, бачканалик билан бўлса ҳам ҳамма таниса бўлди деганими? Эх... деб юборасиз-да баъзида.

Мисол учун юртимизда қанча машхур шифокорлар бор. Қайси вилоятда бўлмасин одамлар уларни кидириб топиб, беморларини даволатишга олиб боришади. Қанча машхур ўқитувчиларимиз бор. Ҳар йили минглаб ўқил-қизларни олийгоҳларга тайёрлаб, талабалик орзусига етказишади. Қанча машхур хунармандларимиз бор. Улар тайёрлаган буюмларни сотиб олиш учун атайлаб чет элдан бир

гала одамлар келишади. Ҳақиқий машхурлик аслида мана шундай бўлмайди-ми?

Аҳир, машхур бўламан деб ҳамма ёшларимиз зўраки юлдузга айланишга уринаверса, ишсизлар сони ортаверади-да. Ҳамма ҳам актёр (актриса) ёки хонанда бўлиб кетавермайди-ку. Ёшларнинг тармоқларга жойлаётган нарсаларига ёкса-ёқмаса лайк босаётганлар эртага уларни ишли қилиб қўймайди-ку ёки ёшлар уларнинг ҳисобига яшай олмайди-ку. Ноилож, вақти келиб бошқа юртга ишлашга кетиш керак бўлганда эса, яна айбни бошқадан қидиришади.

Бу мулоҳазалар билан машхур бўлишга интилаётган ўқил-қизларни айбламоқчи эмасман. Бошқалар ҳам бу кабиларни машхурлик касалига чалинган деб камситишдан ўзиларини тийса фикри ожизимча яхши бўлар эди. Чунки ҳар бир одам ҳаммага керак бўлгиси, суюкли бўлгиси келади. Деярли ҳамманинг онг остида мана шу истак бўлади. Аммо юқорида айтганимиздек машхурликка эришишнинг минг бир йўли бор. Буларни ўқиганлар ёнверидеги ёшларга тўғри йўлни кўрсатишлари, ёшлар эса ўзлари учун керакли хулосани чиқаришларидан умидвормиз. Юртимиздан дунёга донғи кетган қанчадан-қанча машхур инсонлар етишиб чиққан. Албатта, бундан кейин ҳам етишиб чиқади. Фақатгина бу машхурлик инсоният учун фойдали бўлган қандайдир хайрли бир иш натижасидагина қўлга киритилишини тилаб қоламиз!

Камолидин РЎЗИМАТОВ



Муассислар:

Ўзбекистон Республикаси
Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.

Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси.

Бош муҳаррир
Мақсуд ЖОНИХОНОВ

Газета таҳририятнинг компьютер бўлимида саҳифаланди.
“Шарк” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.
Манзил:
Буюк Турон кўчаси 41.
Буюртма рақами Г-1108
Адади: 1515.
Пайшанба кун чикади.
Қоғоз бичими А-3, хажми 2 босма табок.
Баҳоси келишилган нархда.
Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида
2006 йил 0010-рақам билан рўйхатга олинган.

ISSN 2010-7722

Навбатчи:
Дилбар МАҲМУДОВА

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарк” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

100000, Тошкент шаҳри
Матбуотчилар кўчаси 32.
Маълумот учун телефонлар:
(71) 233-72-77,
233-91-55

Реклама ва эълонлар учун:
Электрон почта:
jamiyat@umail.uz
Газета индекси — 131
“ЖАМИЯТ”дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
Топширилган вақти:
20:00
1 2 3 4 5 6

Ўтмишда йирик шаҳарлари ва меъморий ёдгорликлари бўлган мамлакатлар Ипак йўлининг майдонга келишида муҳим аҳамият касб этган, унинг йўл харитасини чизиб берган. Архитектура ёдгорлиги маҳаллий аҳолининг маълум бадиий-маданий қарашлари замида майдонга келган, бу иншоотлар халқларнинг дунёқарши ва менталитетини моддий кўринишда ифода этган. Ушбу маданий, мифологик-меъморий жараёни ўрганмоқ учун СамДУ олимлари ташаббуси билан “Буюк ипак йўли маданияти, мифологияси ва архитектураси” номли қўлланма чоп этилди.

Истиқлолдан кейин деярли унутлаётган кўплаб миллий анъаналаримиз ва буюк боболаримиз номлари қайта тикланди. Президент Шавкат Мирзиёевнинг республикамиз илм-фани намояндалари билан бўлган учрашувларда таълим тизимини ислоҳ қилиш, илмий тадқиқотларни жаҳоннинг энг ривожланган давлатлари андозаларига тенглаштириш лозимлиги борасида билдирган фикрлари олимларимиз

Ташаббус, тадқиқот ва тарих

йўлининг яралиши, маданий алоқаларнинг юзага келиш сабаблари” деб номланиб, унда Хитой дипломати

– ёруғлик, кун, қуёш, осмон, иссиқ, езгу, жуфт тушунчаларини ифодалаган бўлса, Ин – мутаносиб равишда қоронғулик, тун, ой, ер, совуқ, ёвуз, тоқ маъноларини билдирган. Замонлар ўтиб Ин ва Янг тушунчалари Хитой маданиятида Фен-шуй талимоти кўринишини олган. Бу таълимот замонвий Хитой маданияти ва

дан сўнг оммалашган.

Ўн биринчи мавзу “Хитой архитектураси маданияти”га бағишланган бўлиб, унда жаҳон ва хитой маданияти, қадимги Хитой меъморчилигида бинолар, томлар, боғ архитектурасининг ўзига хос кўринишлари, қадимги шаҳарсозлик маданияти технологияси ҳақида сўз

меъморчилигида йетакчи ўринни эгаллаган. Қизиқ томони шундаки, бу таълимотнинг моҳиятида ўзбек дўпписидоги нақшлар мазмуни ҳам акс этган.

Ўқув қўлланманинг ўнинчи мавзуси “Буддавийлик, шомонлик, моҳизм ва легизм таълимотлари” талқинига бағишланган бўлиб, унда буддавийлик, хитой шомонлиги, Моҳизм каби таълимотлар моҳияти, ўзига хос хусусиятлари, буддавий-

юритилган. Буюк Хитой девори архитектураси ва қурилиши, Потала саройи ва ибодатхонаси, “Тақикланган шаҳар” ҳақида муҳим ва қизикарли маълумотлар келтирилган.

“Хитой мифологияси ва маданиятининг архитектурада тутган ўрни” деб номланувчи ўн иккинчи мавзу Қадимги Хитой мифологияси ва фалсафасининг бинокорликдаги кўринишлари, Хитой қадимий меъморчилигининг жиҳатлари, қадимги Хитой ландшафт дизайни. Хитой архитектураси фалсафасида рамзийлик, мифология, деворлар ва томлар дизайнига бўлган муносабат, - Ислом маданияти намунаси «Ниужие» масжиди ҳақида маълумот берилди.

«Ниужие» масжиди ҳақида сўз борар экан, унинг Хитойда кейинги даврда қурилган бошқа масжидлари учун ноёб меъморий намунага айлангани, унинг Хитой саройлари меъморчилигининг анъанавий усули ва ислом маданиятини ўз ичига уйғун тарзда қамраб олган. Карниз тепасида янги ойни кузатишга мўлжалланган расадхона жойлашгани, расадхонанинг ўзи олти бурчакли шаклда бўлиб, Хитой пагодаси (ибодатхона) услубида барпо этилганига эътибор қаратилади.

Ўқув қўлланмада Буюк ипак йўли бошида турган Хитой ва унга қўшни халқларнинг мифологик, маданий-фалсафий қарашлари ва улар асосида шаклланган бинокорлик соҳаси ўрганилди. Келгусида Буюк ипак йўлининг очилишига сабаб бўлган Марказий Осиё халқлари маданияти, мифологияси ва бинокорлик маданияти ҳам уйғун ҳолда тадқиқ этилса, нур устига аъло нур бўлар эди.

Мунира АБДУРАҲМОНОВА,
Шароф Рашидов
номидаги Самарқанд давлат
университетининг филология
факультети 4-босқич
талабаси

Маълумки, Хитой фалсафаси ривожланган сари оқ ва қора балиқчалар шаклидаги Ин ва Янг таълимоти қарама-қаршиликларни ифодалашнинг рамзига айланиб борган. Янг – ёруғлик, кун, қуёш, осмон, иссиқ, езгу, жуфт тушунчаларини ифодалаган бўлса, Ин – мутаносиб равишда қоронғулик, тун, ой, ер, совуқ, ёвуз, тоқ маъноларини билдирган.

олдига янги ва масъулиятли вазифаларни қўйди. Даврга мос ва замон руҳини акс эттирадиган янги илмий тадқиқотларнинг, ўқув жараёнига тааллуқли бўлган янгича соҳа ва фанларнинг майдонга келишига замин яратди.

2019 йили Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университетида ректоримиз ташаббуси билан Хитой маданияти маркази очилди, 2021 йилда “Буюк ипак йўли халқлари маданий ва адабий мероси” илмий-тадқиқот маркази ўз ишини бошлади. Шу марказда “Буюк ипак йўли маданияти, мифологияси ва архитектураси” фани асоси ишлаб чиқилди ва мазкур ўқув қўлланма майдонга келди.

Самарқанд давлат университети ректори, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, Рустам Холмуродов ва СамДУ профессори Эркин Мусурмонов фикрларига асослансак, муайян халқлар ўртасидаги синкретик муносабатлар, фалсафий-маданий мерос таъсирида майдонга келган уйсозлик ва бинокорлик соҳасида ҳам акс этган. Тадқиқотнинг умумий ғоясига кўра, қаерда илму-маданият ривожланган бўлса, ўша жойда меъморчилик тараккий қилган, тамадду-нлар куртак отган.

Ушбу ўқув қўлланма ўн тўрт мавзудан иборат. Ҳар бир мавзу ўз моҳияти билан долзарб бўлиб, уларнинг айримлари хусусида қисқача тўхталиб ўтсак. Биринчи мавзу “Буюкипак

Чжанг Сианнинг Туронга ташриф буюриши, император Вудининг Фарғона самовий отларини қўлга кири-тиш иштиёқида юртимизга экспедицияларни юбори-ши, “Буюк ипак йўли”нинг яралиши, Хитой-Турон халқлари орасидаги моддий-маданий алоқаларнинг йўлга қуйилиши, бунда буддавийлик марказлари бўлган Самарқанд, Термиз каби кентларнинг ўрни, Кан Сен-Хуе ва Сюансанг каби алломаларнинг миссиялари ҳақида сўз юритилади.

Қўлланма муаллифларнинг фикрича, Чжанг Сиан босиб ўтган йўл орқали Марказий Осиёнинг ва Хитой ўлкасининг, кейинчалик Ўртаер денгизи мамлакатлари ва Ҳиндистоннинг қадимги маданияти туташган. Икки буюк йўл - бири Фарбдан Македониялик Искандар юриши натижасида ҳосил бўлган, иккинчиси Шарқдан, Хан империясидан Туронга Чжанг Сиан томондан юрилган йўл бирлашиб бир бутунни ташкил қилган ва натижада машҳур бўлган – Буюк ипак йўлини майдонга келтирган.

Маълумки, Хитой фалсафаси ривожланган сари оқ ва қора балиқчалар шаклидаги Ин ва Янг таълимоти қарама-қаршиликларни ифодалашнинг рамзига айланиб борган. Янг



лик маданияти тимсоли – пагодалар бинокорлик обидалари ҳақида гап боради..

Буддизм Хитойда Конгфутзи ва Дао таълимоти даврида пайдо бўлган ва учинчи асосий еътиқод тизими-мига айланган. Буддавийликнинг асосий ўзига хослиги, карма қонуни ва нирванага еришиш ҳақидаги таълимоти бўлди. Бу тушунчалар Хитой бинокорлик санъатида ҳам акс этган. Хитойнинг энг диққатга сазовор бўлган диний бинокорлик намунаси пагодалар (буддавийлик ибодатхонаси) ҳисобланади. Пагодалар Хитойга буддавийлик кириб келгани-

етмиш саккиз миллион икки юз ўн тўрт минг беш юз) сўмга ўзгартирилганини маълум қилади.

Ариза ва таклифлар қуйидаги манзил бўйича қабул қилинади:
Тошкент вилояти Юқоричирик тумани Янгибозор шаҳарчаси.